

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 67 (6809)
1997 йил, 30 август, шанба


Сотувда эркин
нархда

Сени улғайтирар Истиқлол шони, Эй озод боласи, Ўзбекистоннинг!



Жажжи юрагингда дунёни
курдим,
Қаро кузларингда эркнинг
оқ ранги.
Эртага уйғотар сени, болажон,
1—сентябрнинг қувноқ
жаранги.

Эрта кузларингда тонглар
отажак,
Сени улғайтирар истиқлол
шони.
Муқаддас имондан яралган
юрак,
Озод боласисан,
Ўзбекистоннинг!



ХУРРИЯТ ҚУЁШДЕК ҚАДРЛИ, РАЙХОНДЕК, ЯЛПИЗДЕК АТРЛИ


Азиз ўқувчилар, байрам кунда қуйидаги саволларга жавоб топиб, байрагимиз сабабчиси 6 ёшли хур Ўзбекистон Республикамизга оид билимингизни синаб кўринг:


1. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони қанча кв.км.?
2. Мамлакатимиз Ер қурра-сининг қайси минтақасида жойлашган?
3. Ватанамиз қайси давлатлар билан чегаралон?
4. Республикамиз ҳудудининг энг шимолий, энг жанубий ва энг шарқий, энг гарбий чекка нуқталари қасрларда жойлашган?
5. Ўзбекистоннинг шимол ва жануб, гарб ва шарқдаги чекка нуқталари орасидаги масофалар қанча?
6. Ватанамиз бағридан қайси дарелар оқиб утади?
7. Республикамиз ҳудудида қандай паст текислик жойлашган?
8. Ўзбекистондаги қайси тоғларни биласиз?
9. Юртимиздаги водийлар номини айтинг-чи?
10. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри аввал қандай номлар билан номланган?
11. Республикамиз қандай йирик ҳудудий бўлинмалардан ташкил топган?
12. Ўзбекистондаги ҳудуди энг катта ва энг кичик вилоятларни биласизми?
13. Аҳолисининг сони жиҳатидан қайси вилоят энг юқори уринни эгаллайди?
14. Халқаро кенглик, астрономик станцияси мамлакатимизнинг қасрида жойлашган?

УНУТИЛМАС

1991 йил 31 август — Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилинди.
1991 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни илк бор нишонланди.
1991 йил 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Республика Давлат байроғи ҳақидаги қонун тасдиқланди.

САНАЛАР





УНУТИЛМАС САНАЛАР

1991 йил 21 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо бўлиб кирди.

1992 йил 2 март — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

1992 йил 3 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ҳақидаги қонун тасдиқланди.

1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси қабул қилинди.



Замон келди омон-омон...

Ўн икки яшар Малика Мустақиллик байрамига атаб ёзган шеърида ўзининг савод чиқариш йўлидаги интилишларини мамлакатнинг олтин қазииш ҳаракатларига тенглабди! Минг қатла шукурки, халқимизнинг бугунги ёш бўғини — Сиз, болажонлар, Ватанимизда кетаётган буюк ўзгаришларни қалбдан англабсиз!

Рост-да, бултур, ўтган йили, ундан олдинги йилларда «Сен нимани ўргандинг?» — деган саволга «Мен бозордан нарса со-

тиб олишни ўргандим» ёки «Нарса сотиб одамлар билан олди-бердини ўргандим» деб жавоб берган эдингизлар. Энг меҳнаткаш, энг кўли гул тенгдошларингиз эса «Ранда уш-лашни билиб олдим» ёки «Дўппи тикаяпман», ё бўл-маса «Дарсдан бўш вақтларимда ижара олган ери-мизда фермер ота-онам-ларга ёрдамлашдим» каби гапларни фахрланиб айтардингиз. Биз, катталар бундан заррача ранжимаганмиз. Сизларни ҳам ўқиш-ёзишни ўрганиш

ўрнига, қорин тўйдириш ташвишлари билан бўлиб кетибди, деб айбламаганмиз. Чунки...

Чунки етмиш тўрт йил, чоризм даврини ҳам кўшиб ҳисоблаганда 130 йилдан бери топганини бошқалар омборига жўнатиб, чўнтаги қоқланиб, омборида шамол гувиллаб қолган халқимиз Мустақиллик давонига жуда юпун ҳолатда кўтарилди. Ана шунинг учун ҳам Мустақилликнинг дастлабки йилларида фақат кичкинтойларгина эмас, бутун мамлакат кўмачига ўзи кул тортиш гамида юрди. Бу нима дегани, дейсизми? Истиклолнинг биринчи вазифаси — одамларнинг ўзларида бор имконларни ишга солиш, нима қилиб бўлса-да, халқни озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат бўлиб қолганди. Кўксига шамол тегиб, кўлидан келадиган ишни бажаришга изн олган одамлар орасида экин-тикин ишлари, кулчилик дурадгорлик, тегиримончилиги тукувчилик ишлари гуркираб кетди. Дастлабки икки йил давомида Истиклол бир асрдан ортиқ вақтдан бери кўллари боғлиқ, кўзларини қипқизил алвонлар билан чирмаб боғлаб кўйилган халқимиз кўлидан чилвирни, кўзидан алвон боғловни ечиб ташлади. Қайта очилган кўзлар янги йўлда равон юришга ўрганаётган даврда Президентимиз Ватанимиз дарвозаларини чор атрофга очиб кўйди. Ана унда ўзимизнинг ишбилармонлару хорижлик

тадбиркорлар Ўзбекистонимизда саноат корхоналарини тез қуриб ишга туширди.

Ҳа, ширинтойлар! Билиб кўйинг, эсингиздан сира чиқарманг: ўшанда — ўтиш чоғидаям халқимиз вакиллари бирорта тўкин мамлакатга тўрва кўтариб чиқиб кетмади! Она Ватанимиз не валломат давлатлар даврасига кириб борган бўлсаям, бирорта мамлакатдан қарз сўрамаган! Билиб кўйинг, халқимиз ана шу-

Фахр

кумати турли йўллар билан бунимизга ошириш чора-тадбирларини белгилаяпти! Ўтган уч-тўрт ой давомида Президентимизнинг ўзлари айнан шу масалада жуда доно, жуда кескин гапларни айтдилар. Асосли гап ўз ўрнини топади! Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Таълим тўғрисида» қонун лойиҳаси ва «Кадрлар тайёр-



нақа қаноатли, Давлатимиз шунақа шижоатли! Бурноғи йили «Фалонча сув тегиримони қурдик» деб севинган халқ ўтган йили «Автомобил заводимиз ишга тушди, кимга арзон, қулай машина керак бўлса бизга келаверинглар!» деди, аста жилмайиб! Нариги йили бедапояларда тўп тепишган йигитларимиз бу йил дунёнинг ҳеч бир мамлакатада йўқ равоқли теннис кортларида чигалини ёзишяпти... Ўзбекистонимизни қадим-қадимгидай комил инсонлар юртига, фозил одамлар мамлакатига айлантириш умумхалқ ҳаракати бошланди. Илм-маърифат чашмаларидан қониб ичмай туриб техник тараққиётга ҳам, маънавий камолотга ҳам эришиб бўлмайди! Республикаимиз ҳу-

лаш бўйича миллий дастур» қизгин муҳокама бўлаётгани бежиз эмас!

Халқ бир чинор бўлса, болалар шучинорнинг япроқлари, илдизлари. Чинор умрини абадийлаштирувчилар ҳам, уни яшнатувчи-ю, танага куёш нурлари ҳароратини етказувчилар ҳам ана шу япроқлари, илдизлари!

Олтинчи синф ўқувчиси Маликаки илм-маърифат қадрини олтинга тенглабдими, демак ёш авлод Буюк келажакни яратиш йўлидаги ўз ўрнини юракдан англабди!

Унда табриклашга асос бор: Истиклол байрамингиз кутлуғ бўлсин! Билимлар кунингиз — йўлингиз муборак бўлсин, азиз болалар!

М.МУРОДОВА.

ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Истиклол байрами арафасида Самарқанд шаҳрида илк бор «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фести-

вали очилди. Шарқ мамлакатлари халқлари билан маданий алоқалари ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бу байрамда Шарқ мамлакатлари вакиллари билан бир қаторда АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Испания, Австралия каби Ғарб давлатларидан унлаб санъаткорлар йирик халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

БОЛАЛАРГА БАЙРАМЛИК

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ишга туширилган «Зукко» корхонаси бундан сўнг Республикаимиз болаларини хурсанд қиладиган гўшага айланиб қолиши аниқ. Чунки бу ерда Марказий Осиёда биринчи ва ягона «Болалар гематогени» ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Азиз болажонлар,

гематоген нима эканини балки яхши билмассиз?

У кўйилтирилган сут, шарқ болалар қонини кўпайтирувчи табиий хомашёлардан тайёрланган шифобахш ирис конфети деса бўлади. Шоколадлар ҳажмида, чиройли қоғозларда ўралган бу ширинлик еган боланинг юзлари олмадай қизил, ўзи филдай бақувват бўлади. Нарҳи ҳам арзонгина. Уни яқин кун-

ларда барча дорихоналардан сотиб олишингиз мумкин.



УЛУҒ ЎЗГАРИШЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Болалар, сиз газетамизнинг таҳрир ҳайъати аъзоларини яхши биласиз. Уларнинг олиб бораётган хайрли ишлари, юракларидаги ёруғ ўйлари билан ўртоқлашиб, уларни сизлар билан яқинроқ таништириш мақсадида Республика «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам АБДУРАИМОВ ва «Улуғбек» жамғармаси раиси Исфандиёр ЛАТИПОВларнинг мустақиллик ҳақидаги айрим мушоҳадаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Юртимиз мустақилликка эришганидан сунг ҳаммага гурурланиш ҳуқуқи насиб этди. Эндиги вазифа эса ана шу гурурнинг поймол этилишига йул қўймасдан, уни асраш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлигини унутмаслик зарур. Бу қийин ва шарафли юмуш бутун вужуди, руҳи билан мустақилликка интилган, бир суз билан айтганда, қалбан мустақил инсонлар зиммасида эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Мен қалбан мустақил

Ҳотам АБДУРАИМОВ: «БИЗ КОМСОМОЛ ЭМАСМИЗ...»

инсонга китобий таъриф бериш даъвосидан йироқман. Аммо, қандай инсонни қалбан мустақил деймиз, деган саволга узим билганча, баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳар бир инсон чуқур билим, имон-эътиқод ва тажрибага таянсагина қалбан мустақил була олади. Менимча, мустақилликнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда.

2. Олам узгаради, одам узгаради, аммо, муқаддас удумларимиз, табаррук одаларимизнинг шакли бироз узгарса-да, маъноси узгармайди. Ёшларимизнинг узидан катталар фикри билан ҳисоблашишини ҳам ана шундай хайрли удумларимиздан бири деб уйлайман. Билиб-билмай хархаша қилиш, бетгачопарлик, асосиз қайсарлик, қон-қонимизга сингиб кетган одамийлик доирасидаги таомилларни менсимаслик мустақилман дейишга дастак булолмайди, бу узбошимчалиқдир. Бола еҳуд усмирнинг мустақиллиги мавжуд қонун-қоидаларга асосланса оқибати хайрли булади. Мен болаларимиз қўйдай ювош, муте булишсин, демоқчи эмасман. Мустақиллигимиз қалрига егиш борасида суз бораркан, бу йулда ҳаммага раҳнамо булгучи мақсад битта: Дадил қадам босинг, — фақат, йулингиз тугри белгиланган булса, жаҳду жадал қилинг, — қонунга амал булса, нури манзил сари интилинг, мақсадга етинг, — фақат, келажингизга путур етмаса... Хуллас, эзгуликка йугрилган ҳар қандай умр йулларида хатолар уч-

райди, бироқ, бу йулларда хатолар такрорланмайди...

3. Ҳар қандай улуг ўзгаришлар масъулият билан ҳаётбахшидир. Масъулият туйғули юрт тинч, фаровон. Масъулият, бешафқат тафаккур билан сирли дунё орасидаги мантиқ мувозанатида ухшайди. Масъулиятли одам фахрланишга ҳақли. Фахрланишга ҳаққимиз бор, аммо, мақтаниш бизга хос эмас. Гап бошқа, иш бошқа. Яқинда вилоятдан

келган бир мўсафид билан суҳбатлашдим. Гап орасида у бегараз бир соддалик билан бизни фаолиятсизликда айблади. Эмишки, бизнинг ташкилотимиз ҳамма жойларда учрашувлар уюштириб, куп жойлардаги муаммоларни ҳал этишда жонбозлик курсатмасмиш. Ахир, биз комсомол эмасмиз. Худа-бе-худага лоф уриб, минбардан минбарга қуниб юрадиган, узундан-узоқ нутқ ирод этиш билан одамларни алдайди-ган замонлар утди. Биз ёшларнинг маънавиятини устириш билан бирга уларнинг моддий аҳволи ҳақида ҳам қайғурмасак, юқорида таъкидлаганимиз каби, масъулиятдан йироқлашган буламиз. Ёшларни рағбатлантириш борасида амалий ҳаракатлар сохта, қурук ваъдалардан афзаллигини ҳисобга олган ҳолда, мустақиллик арафасида Юнеско билан биргаликда халқаро ёшлар дам олинган масканлари барпо этдик. Бу тadbиримизнинг илк чечаги кун кеча Чименда очилди ва шу ойнинг охиригача давом этади. Амалга оширилажак тadbирларимиз, қолаверса, муаммолар куп. Аммо, ҳеч бир ташкилот барча муаммоларни охиригача ҳал этиб беролмайди. Ҳар бир муаммо ҳамкорлик ва масъулият асосида амалга оширилади. Демак, биринчи галдаги вазифамиз — ҳамкорлик.

1. Болалар — таъбир жоиз булса, мустақилликнинг муқаддас заминига энг яқин, дилбанд чечаги, яъни қалбан мустақил... Қалб мустақиллигини қандай изоҳлайсиз?

2. Фарзандингизга нимадир харид қилаётганингизда унинг диди дидингизга, фикри фикрингизга тугри келмаса гашингиз келадими?


3. Мустақиллик туйғусидан фахрланган одамнинг она-юрт олдидаги биринчи галдаги вазифаси, сизнингча нималардан иборат булмоғи керак?



1992 йил 10 декабрь —
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мадҳияси тугрисида
даги Қонун қабул қилинди.

УНУТИЛМАС САНАЛАР

1993 йил 5 февраль —
Ўзбекистоннинг уқувчи
ёшларини рағбатлантириш
чоралари тугрисида қарор
қабул қилинди.



Истиклол нуридан
Шодланар юрак.
Қўшалок байраминг
Бўлсин муборақ!

1. Одамнинг савияси унинг мустақилликка муносабатининг қай даражада эканлиги билан улчанади. Мустақил фикр озодликнинг тамал тошидир. Яшириб нима қиламиз, яқин ўтмишда биз шаклан мустақил, яъни устимиз ялтироқ... эди. Ҳар тугул, азим истиқлол дарахтига пайванд булишга улгурдик. Энди ёшларимизнинг келажигидан кунглимиз туқ, зеро, бизнинг кунглимиз муқаддас заминга са-

Исфандиёр ЛАТИПОВ: «КўНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК...»

доқат билан урнашган уша азим дарахт илдизидан баҳра олади, мустақилликка дилбанд ёшларимизнинг кун сайин эмас, соат сайин усаётган кунглидан кунглимиз усади. «Ким учун, нима учун яшайпмиз» деган саволга етмиш йилдан ортиқ фурсатда тополмаган жавобимизни атиги олти йил ичида топдик. Жисмимизга беминанат ер, жонимизга бесарҳад осмон, сузимизни айтарга суз, узимизни қуярга жой тополдик. Табиат турт фаслда турланади, одамзоднинг фасли эса битта—Фидойилик. Озод юрти булатуриб, уша юртнинг ҳар ушоқ тупроғини тумордай билмаган касларни қадим ақидалар тили билан ношуккур, навқирон таомиллар лисонида нонкур дейишди. Тилимиз калимага келмай, жисмимиз жонимизга тор келганда қалбимиз бизга пуштипаноҳ булади. Қалб мустақиллиги — Миллат ва Ватан озодлиги йулида фидойилик қилиш билангина аҳамиятли ва муқаддас.

2. Болаларни уз ҳолига қўйиш, уларнинг кунглига қараш керак. Ортиқча талаб, уринсиз тергаш билан болаларнинг кунглини чуқтириб қўйиш мумкин. Ҳар қандай таъқиб ва тақиқ ёшларнинг тасаввурини мавҳумлаштириб, та-

қиқланган нарсаларга қизиқшини баттар зурайтиради ва оқибатда бола журъатсиз, тортинчоқ булиб усади.

«Ақл ёшда эмас, бошда» деганларидай, баъзан катта ёшдаги инсон ҳаёлига келмаган ихтиролар, қарашлар ёшлар онгида руй беришига табиий ҳол деб қарасак, менимча, мақсадга мувофиқ буларди. Шу уринда, шоир Мирзо Кенжабекнинг бир шеъридаги «Болалар софли-

ги билан улугдир, соддалиги билан каттадир биздан» деган фикрига тула қушиланман. Болалардан меҳр талаб қилишдан бурун узимиз меҳрибон булайлик, улар кўздан йироқ булишса-да, уздан йироқ булишмаса, кунглига яқин булишса бас. Дунёда йуналишлар куп, йуллар куп. Уша йуналишлар, уша йуллар бир манзилда бирлашади. Уша пок манзилнинг номи Кунгил эканлигига сира шубҳам йўқ. Бир суз билан айтганда, кунгилларга йул топайлик.

3. Фахр — масъулият дояси. Агар инсон қалбида шу икки туйғу баб-баравар шакланмаса эътиқод мувозанати бузилади. Бешарқ, лоқайд кимсалар масъулиятни ҳис қилишдан маҳрум. Ёшларда қиладиган ишига нисбатан завқ, улугвор ҳодисаларга ҳайрат ҳиссини уйғотиш — уларнинг маънавиятини камол топдиришга асос булади, деб уйлайман. Кейинги пайтларда ёшлар онгида купроқ моддий ҳодисаларга қизиқшининг кучайиб бораётгани мени ташвишга солаётир. Ҳаддан ташқари туқлик ҳам қалбни занглатиб қўйиши ҳеч гапмас. Кибр, адоват хусумат каби балолардан ҳазар қилган ҳар қандай юрак ҳайратланишга мойил экан, демак, ҳайратлантиришга ҳам қодир. Бугунги ёшларнинг ана шу қодирликдан фахрланишига, фахрга яраша уларда масъулият ҳиссининг кучайишига тилақдошман ва тилагимнинг ушалишига ишонаман.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

«Балки мен уша дориворни топарман. Синаб курардим, ҳа синаб курардим. Роса зур буларди-да, энг аввало дафтареҳани Содиқ акага курсатаман»...

Қосимжон узича ҳар хил режалар туза-туза ухлаб қолди. Лекин, унинг «ён дафтареҳани Содиқ акага курсатаман» деган нияти амалга ошмади.

Уша куни нонуштадан кейин, Содиқ ака болаларни туллаб эълон қилди:

— Ҳозир, атрофимиздаги қишлоқлардан бирига экскурсия уюштирамиз. Мақсад тоғ қишлоғи ҳаёти билан яқиндан танишишдан иборат. Қани, отланинг! Йулга чиқиш олдидан тайергарлик қуриш учун 10 минут муҳлат.

диқ ака қули билан Салимга пуписа қилиб қуйди. Бош йуриқчининг жаҳди чиқиб кетганини Қосимжон сезиб турган бўлса ҳам, шу дамда жуда-жуда «жасурлик» курсатгани, шу билан кечаги гаплардан узича «хулоса» чиқариб олганини курсатмоқчи бўлди.

У яккачуп устига қадам қуйди-ю, қулларини қалта шимининг чунтақларидан олмай, тез-тез қадам қуя бошлади. Лекин, «куприкча»нинг ярмига етиб борганида, бирдангина чап оёғи салгина сирпаниб, тойиб кетди. Бундай бўлишини кутмагани учунми, узини унглай олмай, «шалоплаб» сувга йиқилиб тушди...

Сой кичик бўлса ҳам анчагина чуқур экан. Қосимжон сув ичида типирчилаб, юқорига интилди. Юзасига чиқиши билан, чуқур нафас олди-ю, қирғоқ томон қулоч отди. У қулларини сув ичидаёқ чунтақларидан чи-

тиканакка ухшаш сеҳрли усимлик сира кетмасди.

У уша усимликни топишни, дафтареҳадаги ёзув туғри ёки нотуғрилигини синаб қуришни уз олдиға мақсад қилиб қуйди. Энди Қосимжон деярли ҳар куни, фурсат топди дегунча Содиқ акадан «Қора қояга яна чиқамизми?» деб сурарди.

Нихоят, лагердан кетишлариға турт кун қолганда Содиқ ака:

— Бугун «Қора қоя» ён бағриға саёҳат уюштирамиз, — деб эълон қилди, — қоя атрофидаги усимликлар билан танишиб, гербарийлар тайерлаймиз.

Нихоятда хурсанд бўлиб кетган Қосимжон «ура-а!» деб қичқириб юборди.

... «Қора қоя» ёнбағриға келиб, ишни бошлашган заҳотиёқ, Қосимжон тезгина илгариллаб, бошқалардан ажраб кетди. Уша тиканакка ухшаган

фузанинг «Вой» деган товушни эшитиб қолди.

Қосимжон сойға йиқилиб тушганида, узига Дилфузанинг ниҳоятда ачиниб қараб турганини пайқаганди. Ушандан бери у бу қизни хурмат қиладиган бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам ҳозир уйлаб турган нарсаларини унутиб, югуриб унинг олдиға борди:

— Нима бўлди? Нимаға бақириб юбординг?

— Қулимға тиканак кириб кетди, — деди Дилфуза, — оғриганиданмас, ҳайратланганимдан «Вой» деб юбордим. Қара, ғалати-я, бу тиканни ушлаган жойим қоп-қорайиб қолди...

Қосимжон хурсанд бўлганидан «топилди, топилди, бу уша усимлик», дея қичқириб юборай деди-ю, узини ушлаб қолди. Шодлигини Дилфузадан беркитишға уриниб уша усимликка яқинлашиб, новдасидан узиб олмоқчи бўлди. Шунда Дилфуза:

— Қуйсанг-чи, шуни... Юр, анави ерда ялпизлар борға ухшайди, — деб уни тухтатди.

Қосимжон дарров баҳона топди:

— Сен боравер, мен ҳозир... Анави ерда, гербарий тайерлайдиган альбомимни қолдирувдим. Уни оламану, сенға етиб оламан, — деди.

Дилфуза «майли» дегандай узи курсатган томонға қараб чопқиллаб кетди.

Қосимжон ҳам тезгина бориб, альбомини олиб, изига қайтди. Атрофига куз югуртирди, Дилфузанинг анча узоклашганини қурди-да, шопша-пиша, қулларига тикан кириб, бақиртириб юборгундай оғритганиға қарамай, ғалати усимликнинг новдасидан учтасини юлиб олди. Унинг қуллари теккан жой қорайиб қоларди. Новдаларни альбомининг сунгги бетлари орасиға солиб, тезгина тикиб қуйди-да, Дилфузанинг олдиға хурсанд бўлиб жунанди...

Оромгоҳ билан хайрлашадиган кун ҳам етиб келди. Охири гулхан жуда қизиқарли ўтди. Қосимжон Дилфуза билан Салимнинг адресларини ёзиб олди. Улар ҳам Қосимжоннинг қаерда туришини, қайси мактабда ўқшини билиб олишди.

(Давоми бор)

Абдужалил ЗОКИРОВ



... Йулга тушишди. Содиқ ака сафнинг бошида, Қосимжон эса охирида эди.

Кетаётиб кичик, ҳийлагина тез оқалдиган сойға дуч келишди. Сойға янги куприк солинган бўлиб, унинг чап томонида эса эскидан ташлаб қуйилган яккачуп ётарди. Содиқ ака куприк томон йул бошлади.

Лекин, Салим қизиқчилик қилибми, узини курсатмоқчи бўлибми, куприк у екта қолиб, яккачуп устида, эпчиллик билан сойнинг нариги қирғоғиға утиб олди. Со-

қарган эди. Бир қулиға иланган ён дафтареҳа эса оқиб кетди.

Узини энди сувға ташламоқчи бўлиб турган Содиқ ака бир зумда бўлиб ўтган бу воқеанинг Қосимжоннинг қирғоққа чиқиб олиши билан тугалланганини қуриб, ичида «хайрият» деб қуйди. У дийдираб турган «айбдор»ни уришмадям, фақат шундай деди: «Бир чеккаға утиб, кийимларингни сиқиб ол. Тез бул, кутиб турамиз».

... Уша воқеадан кейин Қосимжон болалар билан апоқчапоқ бўлиб кетди. Зерикиш нимагини ҳам билмай қолди. Лекин хаелидан ён дафтареҳа,

усимликни излашға тушди. У учраган ҳар бир тиканни ушлаб қуриб, қораймаётганини қуриб ҳафсаласи пир булар, тикан кириб ачишаётган бармоқларини оғзиға тикиб сурганича, алам билан уйлар эди:

«Бундай усимлик бормикан узи, йуқми?» Бу саволға жавоб топа олмай бушашар эди. Кейин «булиши керак» деган хаелға бориб яна излай бошларди.

Шу тариқа умидлари пучға чиқаётганда Қосимжон узидан сал нариға келиб қолиб, қандайдир утларни юлаётган Дил-

ЕРНИНГ ЁШИ

Нобель мукофотининг лауреати Кольвин бошчилигидаги халқаро олимлар гуруҳаси Ерда 2,7 миллиард йил аввал яшаган жонзод изини топди. Бу кашфиётдан кейин Ер ҳозирғача тахмин қилинган 4,5 миллиард ёшдан каттароқ деган хулоса келиб чиқади.

Ўқинг, бу қизиқ**ПОЧТАЛОН МУШУК**

Югославиялик Евич деган бир дехқоннинг «ақлли» мушуги бор. Дехқоннинг угли саккиз километр олиса, тоғ ва адирда мол боқади. Агарда отаси углиға бирор зарур хабар қилмоқчи бўлса, хат ёзиб мушукнинг буйниға боғлайди-да уни тоққа жунатади. Шу йусинда бир-бирдан олисада булдан ота ва угил мушук орқали узаро алоқа қилиб туришади.

М. МАКСУДОВА тайёрлади.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ****Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0520. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишға топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М. Ҳайдарова

Руйхатдан утиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563

Телефон: 33-44-25

